

Илм - ақл чироғи



06:47 / 07.09.2018 9229

Бугунги жумъа мавъизасида имом-хатибларимиз "Илм - ақл чироғи" мавзусида маъруза қиладилар. Бу ҳақда ЎМИ расмий [сайтида хабар берилмоқда.](#)

ميجرل انمجرل اهل المس

Муҳтарам азизлар! Маълумки, Ислом дини инсонларни илм олишга тарғиб қилувчи диндир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган дастлабки оятларда ўқишга буюрилишнинг ўзи ҳам Ислом илму маърифат дини эканининг ёрқин далилидир. Аллоҳ таоло илмни қиёматгача бандалар учун маърифатга эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатига эришиш воситаси қилди. Илмсизлик эса инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб боришини билдирди. Инсонларни илм олишга ва шу орқали Парвардигорини танишга буюрди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

تَانْمُؤْمِلْ أَوْ نِيْنْمُؤْمِلْ وَكَبْنِذِلْ رَفَعْتَ سَأُولَ لَلْ أَلْ أَلْ نَأْمُؤْمِلْ أَوْ
(28/مح مة روس) مْ كَأَوْ ثَمَّ وَ مْ كَبْلَقَتْ مْ مَلْعَيْ هَلْ أَوْ

яъни: **“Бас, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезадиган жойларингизни ҳам, (охиратда) борадиган жойларингизни ҳам билур**

”.(Муҳаммад сураси, 28-оят).

Ҳар бир иш мукаммал, мустаҳкам бўлиши учун илм, амал ва ихлос бирлашиши шарт. Фаридиддин Аттор ҳазратлари “илоҳиётда аввал ихлос кейин илм туради”, – дейдилар. Дунёда илмдан кўра юксак даража ва мартаба йўқдир. Аллоҳ таоло айтади:

اَمْبُؤَلَلْاَوْتَاَجَرَدَمُغَلْا اُوْتُوْا نِيْدَلْا وْمُكْنَم اُوْنَمَآ نِيْدَلْا هَلَلْا عَفْرِي
(11/ةلداجالا ةروس) رِيْبَحَ نُوْلَمَغَت

яъни: “...Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (Мужодала сураси, 11-оят).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган кўплаб ҳадиси шарифларда ҳам илмга тарғиб, илм эгалари мадҳ этилган. Жумладан бир ҳадисларида:

اَمَّنْ اَفْ اَمَّهَرْدَ اَلْوَ اَرَانِيْد اُوْتُرُوِيْ مَلْ اَيْبَنْ اَلْا نَ اَفْ اَيْبَنْ اَلْا اَثَرُوْ اَمَّ لُغَلْا
مَلْ لُغَلْا اُوْتُرُوْ

(دُوَاد وُبْ اَمَّ اَلْا وِيْ ذِمَّرْتَلْا مَّ اَلْا هَاوْر).

яъни: “**Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмаганлар, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар**”, – деганлар (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

نُنِيْبَ وُهَنْبِيْ نُنِيْ مَلْ وَاَعْتَلْا لَلْا يْقَلْ مَلْ لُغَلْا بُلْ طِيْ وُهْ وُهَلْجْ اءَا جْ نَم
(يْ نَارَبَّ طَلْا مَّ اَلْا هَاوْر) ةُؤْبُنْ لْا اَجْرَد اَلْا نُنِيْ بَلْا

яъни: “**Ким илм талаб қилаётган вақтида ажали етиб қолса, Аллоҳ таолонинг ҳузурида у билан пайғамбарлар ўртасини фақат пайғамбарлик даражасигина ажратиб туради**” (Имом Табароний ривояти).

Муҳтарам азизлар! Илм олиш ва китоб мутолаа қилиш борасида улуғ зотлардан ажойиб хотиралар қолган. Жумладан мазҳабимиз уламоларидан бўлган Муҳаммад ибн Ҳасан Аш-Шайбоний китоб ўқиш асносида мураккаб

бир масалага ечим топганларида, хурсанд бўлиб кетганларидан:

دَلَّاهُ وَدَهْنَهُ كَوُلْمُ الْإِنْبَاءِ أَنْبَاءِ

яъни: “Бундай лаззатни подшоҳларнинг болалари ҳам кўрмаган”, – дер эканлар. Имом Шофеъий айтадилар:

نَحْنُ حُفْرٌ عَفْرٌ وَمَوْحَرَفٌ رِيْقٌ حَيْشٌ يَفْ وَوَيْلٌ لِّبَسْنُنْ نَمْلٌ كَنْ لِمُغْلٍ فَرَشْ نَم

яъни: “Илмнинг қадри шунчалик баландки, кимга илм нисбати берилса, – гарчи у арзимас нарсада бўлсада – хурсанд бўлади. Агар кимни илмсиз дейилса, хафа бўлади”. Буюк муҳаддис Имом Абу Довуд Ас-Сижистоний кийим тиктирганларида, унинг енгини кенг қилиб тиктирар эканлар. Чунки унга китоб солар эканлар. У киши кўп китоб ўқишни яхши кўрар эдилар. Қаерга бормасинлар, албатта ёнларида китобларини олиб юрар, бўш вақт топилди дегунча китобларини олиб ўқир эканлар.

Уламолардан бирлари: “Агар биз китоб ўқишдан топаётган лаззатни мулкдорлар билсалар эди, уни биздан тортиб олишарди”, – дер эди.

Ал-Ҳасан ибн Саҳл айтадилар: “Маъмун ухлаганда атрофида китоблари турар эди. Ухлашдан олдин ҳам китоб ўқир, уйқудан уйғониб кетганида ҳам китоб ўқир эди. У шундай деб васият қилар эди:

عَمَّ ارْ نُؤِيْغُوْ عَقَطَانُ نُسَلْ أَاهِنِإِ ، بُتْ كَلْ لَاءَ أَرْقَبِ ةَ بَرْغَلْ ةَ شَحْ وَى لَعَنْ عَسَا

яъни: “Ёлғизлик ваҳшатини китобларни ўқиш билан енгин. Зеро, китоблар сўзлагувчи тиллар ва тикилиб турувчи кўзлардир”. Ал-Ҳасан Ал-Луълуий айтадилар: “Қирқ йил бўлди, турганимда ҳам, ухлаганимда ҳам кўксимдан китоб тушган эмас”. Шафиқ ибн Иброҳим Ал-Балхий айтадилар: “Биз Абдуллоҳ Ибн Муборакка: “Нима учун намоз ўқиб бўлганимиздан сўнг биз билан бирга ўтирмайсиз?”, – деб сўрадик. У киши: “Саҳобалар ва тобеинлар билан бирга ўтиришга кетаман”, – дедилар. Биз: “Саҳобалар ва тобеинлар қаерда экан?”, – деб, ҳайрон бўлиб яна сўрадик. Шунда у зот: “Китоб ўқийман, шунда улар ҳақида, қилган ишлари ҳақида билиб оламан. Сизлар билан ўтириб нима қиламан. Сизлар бекор ўтириб, одамларни ғийбатини қилиб ўтирасизлар”, – деб жавоб бердилар”.

Бобомиз Амир Темур айтадилар: “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму-донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”.

Муҳтарам жамоат! Барчаларимиз ёш авлод таълим-тарбияси борасидаги давлат дастурини амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида саъю-ҳаракат қилсак, бу борадаги дунёқараш ва тасаввурларни тубдан ўзгартирсак, кўзланган мақсад ва натижаларга эришамиз. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

...مَوْسُفَنَابِ اِمِ اُوْرِّيْغِيْ تَحْمَوْقِبِ اِمِ رِّيْغِيْ اِلَّالْاِنِّ... (ةروس)
11/دَعْوَا

яъни: **“...Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас...”** (Раъд сураси, 11-оят)

Ҳозирги фаровон, тинч-омон ва тўкин-сочин ҳаётимиз қадрига етмаган айрим ёшлар таълим олиш, ўқиш-ўрганиш, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, касб-хунар сирларини ўрганиш фурсатини ғанимат билмай, бепарволик қилмоқдалар. Улар олтидан қиммат вақтларини кўча-куйларда бемақсад юришлар билан бой беришяпти, кунларини мазмунсиз ўтказиб, бегона ёт ғоялар ортидан эргашиб, ёш умрларини хазон этмоқдалар.

رَجَّحْ اِيْ شَقْوَنَّاكَ رَغَّصْ اِيْ فُمْلَعَالَا : رِيْضَبَلَلَا نَسَخْ اِنِّعَن

яъни: Ҳасанул Басрийдан ривоят қилинади. У зот: "Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир", – деганлар. Шу ўринда муҳтарам оналарга фарзандлари тарбияси ва таълимига жиддий аҳамият беришга, уларни ҳар вақт назорат қилиш, мактабдан сўнг албатта бирон бир машғулот билан шуғулланиш, спорт, уй юмушлари, томорқа ва чорва ҳайвонлари парвариши каби жисмоний ишларга жалб қилишлари зарур эканлигини таъкидлаймиз.

Аллоҳ таоло азиз фарзандларимизни жисмонан соғлом, ақлан етук ва теран билимли, бўлиб тарбия топишлари ва камолат чўққиларига эришувларига насибу рўзи айласин! Омин.

Муҳтарам жамоат! Маълумки, бир неча кунлардан кейин янги ҳижрий 1440 йили кириб келади. Унинг биринчи ойи бўлмиш Муҳаррам ойи шариатимизда улуғланган ойлардан ҳисобланади. Бугун сизларга Муҳаррам ойининг фазилатига доир ҳадиси шарифларни эслатиб ўтамиз:

Муҳаррам ойининг Ашуро, яъни ўнинчи кунда самовий динлар тарихида муҳим воқеалар бўлиб ўтгани сабабли бу ойнинг ўнинчи кунини *Ашуро кун* дейиш урфга айланган.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилишларича, шу кун ҳазрати Нуҳ алайҳиссаломнинг кемалари Жудий тоғи устида тўхтаган, шу сабабли Нуҳ алайҳиссалом шукрона тариқасида шу кун рўза тутганлар. Бундан ташқари, Аллоҳ таоло мусо алайҳиссаломни Ашуро кун Фиръавннинг исканжасидан қутқаргани ҳақида Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган.

Муҳаррам ойи ва унда рўза тутишнинг фазилати ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча ҳадис ривоят қилинган. Жумладан:

لَصَفَاءُ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَصْ هَلْ لَأَلْ لُؤْسَ رَلْ لَأَقْ لَأَقْ هُنَّ عُلْ لَلْ لَأِي ضَرَّ رَ رُيْ رُيْ بَأْ نَ ع
(مَلَسَ مُمَامُ أَلْ هَاوْر) مَرَحْمُ لَأَلْ لَأَلْ رُؤْشَ نَأْ صَمَرَدَعْبَ مَأْيِ صَلْ لَأ

яъни: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Рамазондан кейин рўзаларнинг афзали Аллоҳнинг ойи Муҳаррам (рўзаси)дир”** (Имом Муслим ривояти).

Бу ҳадисдаги “Аллоҳнинг ойи” дейилиши Муҳаррамни улуғлаш учун.

يُنْ إِءَارُوشَاعِ مَوِيْ مَأْيِ صَلْ لَأَقْ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَصْ يَبْنُ لَأَلْ نَأْ دَاتَ قِ يَبْ أْ نَ ع
(يَذْمُرْتَلْ مَأْمُ أَلْ هَاوْر) هَلْ بَقْ يَتْلُ لَأَلْ نَسْ لَأَلْ رَفَكُيْ نَأْ هَلْ لَأَلْ لَعْلَلِ عُبَسَتْ حَأْ

яъни: Абу Қатода разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ашуро кун рўзаси (сабабли)Аллоҳ ўтган йилги гуноҳларни кечирishiни умид қиламан”** (Имом Термизий ривояти).

Ашуро кун (Муҳаррамнинг 10-кун)ни 9-кун билан қўшиб тутиш (завоид) суннат амал. Фақат Ашуро кунининг ўзида рўза тутиш (танзиҳий) макруҳдир (Фатвои Ҳиндия).

Ашуро кундан аввал ҳам, кейин ҳам бир кун рўза тутиш мустаҳаб бўлади (Фатхул Қадир).

لَعْلَلِ عَسْ وَنَمَ " مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَصْ يَبْنُ لَأَلْ لَأَقْ : لَأَقْ هَلْ لَأَلْ دَبَّ عُنْ نَ ع
(مَلَسَ مُمَامُ أَلْ هَاوْر) وَتَنَسَّ رِئَاسَ يَفْ هَلْ لَعْلَلِ عَسْ وَءَارُوشَاعِ مَوِيْ هَلْ لَأَعْلَلِ
(يَقْ هَلْ يَبْنُ لَأ)

яъни: Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ким оила аҳлига Ашуро кунда** (озиқ-овқат, кийим-кечакда ва бошқа нарсаларда) **кенгчилик қилса, йилнинг қолганида Аллоҳ унга кенгчилик қилади”** (Имом Байҳақий ривояти).

Аллоҳ таоло кириб келаётган янги 1440 ҳижрий йилни барчамизга муборак айласин! Омин!